

IX. КИЧИК ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ

1- БЎЛИМ. КИЧИК ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ СОНИ ТАҲЛИЛИ


Тадбиркорлик фаолияти (кичик тадбиркорлик) – тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган, ўзи таваккал қилиб ва ўз мулкый жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускорлик фаолиятидир.

2025 йилнинг 1 январь ҳолатига фаолият юритаётган кичик корхона ва микрофирмалар сони 358,1 мингтани ташкил этди. Кичик тадбиркорлик субъектларининг сони ҳар 1000 аҳолига 12,1 бирликни ташкил қилди.

**Фаолият юритаётган кичик корхона
ва микрофирмалар сони динамикаси**
(фермер ва деҳқон хўжаликларисиз,
1 январь ҳолатига, минг бирликда)

2025 йил 1 январь ҳолатига фаолият юритаётган кичик корхона ва микрофирмалар (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз) сони жами 358 116 тани, шундан янги ташкил этилганлари 77 046 та қайд этилди.

2025 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра ҳудудлар бўйича фаолият юритаётган кичик корхона ва микрофирмаларнинг энг кўпи Тошкент шаҳрида 84 453 тани ёки жамига нисбатан 23,6 % ни, Тошкент вилоятида 34 389 тани ёки жамига нисбатан 9,6 % ни ва Самарқанд вилоятида 31 470 тани ёки 8,8 % ни ташкил этди.



**Ҳудудлар бўйича фаолият
юритаётган кичик корхона
ва микрофирмалар сони,
(2025 йил 1 январь ҳолатига,
миңг бирликда)**

Ўзбекистон Республикаси	358,1
Тошкент ш.	84,5
Тошкент	34,4
Самарқанд	31,5
Фарғона	28,1
Бухоро	22,6
Қашқадарё	22,5
Хоразм	20,5
Андижон	20,0
Наманган	19,5
Сурхондарё	19,1
Қорақалпоғистон Респ.	17,2
Навоий	16,2
Жиззах	13,5
Сирдарё	8,6

¹⁾ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 20 апрелдаги ПФ-113-сон Фармонида асосан, давлат органларида мавжуд маълумотлар базаларининг долзарблигини ва статистик ахборотларнинг бир хиллигини таъминлаш мақсадида Солиқ қўмитаси, Статистика агентлиги ва Адлия вазирлигининг давлат рўйхатидан ўтган юридик шахслар ҳақидаги маълумотлар базалари тўлиқ хатловдан ўтказилди ва аниқланган фарқлар бирхиллаштирилди.

Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган кичик тадбиркорлик субъектлари сонининг ҳар 1000 аҳолига нисбати (бирликда ¹⁾)


Худудлар кесимида фаолият юритаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг сони динамикаси (ҳар 1000 аҳолига нисбатан, бирликда) ¹⁾

2024 йилнинг январь-декабрида кичик тадбиркорлик субъектларининг сони ҳар 1000 аҳолига нисбатан худудлар бўйича энг юқори кўрсаткичи Тошкент шаҳрида 27,5 бирлик, Навоий вилоятида 17,7 бирлик, Жиззах вилоятида 13,8 бирлик, Сирдарё вилоятида 13,7 бирлик ва Бухоро вилоятида 13,6 бирликни ташкил этган.



2025 йил 1 январь ҳолатига фаолият юритаётган кичик тадбиркорлик субъектлари сони ҳар 1000 аҳолига нисбатан 12,1 бирликни ташкил этди.

Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг сони динамикаси (1 январь ҳолатига, ҳар 1000 аҳолига нисбатан, бирликда)



Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган кичик тадбиркорлик субъектлари сонининг ҳар 1000 аҳолига нисбати (2025 йил 1 январь ҳолатига)

Кичик тадбиркорлик субъектлари сонининг ҳар 1000 аҳолига нисбати туман ва шаҳарлар кесимида таҳлил қилинганда энг юқори кўрсаткич Яккасарой туманида 56,7 бирлик, Миробод туманида 46,1 бирлик, Бектемир туманида 40,2 бирлик, Чилонзор туманида 35,5 бирлик ва Қоровулбозор туманида 34,6 бирлик эканлиги кузатилди.

¹⁾ Кичик корхона ва микрофирмалар (фермер ва деҳқон хўжаликларини қўшган ҳолда).

**Хар 1 000 аҳолига тўғри келадиган тадбиркорлик субъектларини
энг кўп ташкил этган шаҳар ва туманлар**
(2025 йил 1 январь ҳолатига, бирликда)



2024 йилнинг январь-декабрь ойларида ҳудудлар бўйича янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмаларнинг жамига нисбатан энг кўп улуши Тошкент шаҳри – 21,2 %, Хоразм вилояти – 8,9 %, Тошкент вилояти – 8,8 %, Самарқанд вилояти – 8,6 %, Фарғона вилояти – 7,7 %, Бухоро вилояти – 6,4 % ва Сурхондарё вилояти – 6,3 % ҳиссаларига тўғри келди.

**Ҳудудлар бўйича янги ташкил этилган кичик корхона
ва микрофирмалар сони (бирликда)**

	январь- декабрь 2023 й.	январь- декабрь 2024 й.
Ўзбекистон Республикаси	86 030	77 046
Қорақалпоғистон Республикаси	6 247	3 102
вилоятлар:		
Андижон	4 185	4 122
Бухоро	5 633	4 963
Жиззах	4 424	4 356
Қашқадарё	5 922	4 484
Навоий	3 796	2 944
Наманган	4 636	3 929
Самарқанд	7 570	6 646
Сурхондарё	3 804	4 812
Сирдарё	2 203	1 794
Тошкент	6 940	6 787
Фарғона	8 036	5 949
Хоразм	6 347	6 860
Тошкент ш.	16 287	16 298

**Янги ташкил этилган кичик корхона
ва микрофирмалар сони динамикаси**
(январь-декабрь ойларида,
минг бирликда)



2024 йилнинг январь-декабрь ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича энг кўп кичик корхона ва микрофирма савдо соҳасида – 28 005 бирлик, саноатда – 12 889 бирлик, Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида – 9 099 бирликни ташкил этган.


**Янги ташкил этилган кичик корхона
ва микрофирмаларнинг ҳудудлар
бўйича улуши (2024 йилнинг
январь-декабрида, % да)**



**Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги ташкил этилган
кичик корхона ва микрофирмалар (бирликда)**

	январь- декабрь 2023 й.	январь- декабрь 2024 й.
Жами	86 030	77 046
Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	9 388	9 099
Саноат	14 101	12 889
Қурилиш	4 859	3 921
Савдо	33 470	28 005
Ташиш ва сақлаш	3 946	2 750
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	5 955	6 502
Ахборот ва алоқа	2 932	2 916
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	1 458	1 505
Бошқа фаолият турлари	9 921	9 459

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги ташкил этилган
кичик корхона ва микрофирмалар сони**
(январь-декабрь ойларида, минг бирликда)



Республиканинг туманлари ва шаҳарлари кесимида таҳлил қилинганда, 2024 йилнинг январь-декабрида энг кўп кичик корхона ва микрофирма Юнусобод туманида 1 889 та, Мирзо Улуғбек туманида 1 884 та, Чилонзор туманида 1 747 та, Самарқанд шаҳри 1 742 та, Яккасарой туманида 1 528 та, Яшнобод туманида 1 517 та ва Олмазор туманида 1 458 та кичик корхона ва микрофирма янгидан ташкил этилган.

**Янги ташкил этилган кичик корхоналар ва микрофирмалар бўйича
энг юқори кўрсаткичга эга бўлган шаҳар ва туманлар сони (бирликда)**


	январь-декабрь 2023 й.	январь-декабрь 2024 й.	ял и
Юнусобод тумани	1 877	1 889	
Мирзо Улуғбек тумани	2 016	1 884	
Чилонзор тумани	1 899	1 747	
Самарқанд шаҳри	1 782	1 742	
Яккасарой тумани	1 431	1 528	
Яшнобод тумани	1 566	1 517	
Олмазор тумани	1 510	1 458	

Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар сони


Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан кичик тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш ҳамда ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатдан яхшилаш бўйича қабул қилинган қарор ва фармонлари, шунингдек, бу соҳага берилаётган катта эътиборлар натижасида 2020-2024 йилларнинг январь-декабрь ойлари давомида жами 445,4 мингта кичик корхона ва микрофирма янгидан ташкил этилди. Янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар соҳалар кесимида таҳлил қилинганда, энг кўп янги субъектлар савдо соҳасида – 169,5 мингта (ёки 38,1 %), хизматлар соҳасида – 111,7 мингта (ёки 25,1 %), саноат соҳасида – 81,1 мингта (ёки 18,2 %), қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида – 57,2 мингта (ёки 12,8 %) ва қурилиш соҳасида – 25,9 мингта (ёки 5,8 %) ташкил этилган.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар сони (2020-2024 йилларнинг январь-декабрь ойларида)

Тармоқлар номи	Янги ташкил этилган кичик корхона ва микро- фирмалар сони, минг бирликда	Жамига нисбатан, % да
Жами	445,4	100,0
Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	57,2	12,8
Саноат	81,1	18,2
Қурилиш	25,9	5,8
Савдо	169,5	38,1
Хизматлар	111,7	25,1



Қурилиш



Қишлоқ хўжалиги



Саноат



Хизматлар



Савдо

Тадбиркорлик фаолияти (тадбиркорлик) – тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган, ўзи таваккал қилиб ва ўз мулккий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускорлик фаолиятидир


Юридик шахс – ўз мулкида, хўжалик юритишида ёки оператив бошқарувида алоҳида мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, ўз номидан мулккий ёки шахсий номулккий ҳуқуқларга эга бўла оладиган ва уларни амалга ошира оладиган, мажбуриятларни бажара оладиган, судда даъвогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилот юридик шахс ҳисобланади.

Юридик шахслар мустақил баланс ёки сметага эга бўлишлари керак.

2- БЎЛИМ. КИЧИК ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ АСОСИЙ ИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ

2024 йилнинг январь-декабрида ЯИМ таркибида кичик тадбиркорлик субъектларининг улуши 54,3 % ни ташкил қилиб, 2023 йилнинг тегишли даврига нисбатан ўзгаришсиз қолди.


Кичик тадбиркорлик субъектларининг ЯИМдаги улуши динамикаси
(январь-декабрь ойларида, % да)



Кичик тадбиркорлик субъектларининг ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯХМ)даги энг катта улушига эга бўлган ҳудудлар (2024 йилнинг январь-декабрь ойларида)

2024 йилнинг январь-декабрида кичик тадбиркорлик субъектларининг ЯХМдаги ҳудудлар бўйича энг юқори улуши Сурхондарё вилоятида – 77,8 %, Жиззах вилоятида – 74,4 %, Наманган вилоятида 73,4 %, Фарғона вилоятида – 73,1 %, Бухоро вилоятида – 73,0 %, Самарқанд вилоятида – 72,3 % ва Хоразм вилоятида – 72,3 % ни ташкил этди.

Кичик тадбиркорлик субъектларининг ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯХМ)даги улуши
(2024 йилнинг январь-декабрь ойларида, % да)




2024 йил январь-декабрь даври учун маълумотлар дастлабки, ўтган даврлар учун маълумотлар якуний ҳисобланади.

**Кичик тадбиркорлик субъектларининг саноат ишлаб чиқариши ҳажми
ва жами саноат ҳажмидаги улуши
(январь-декабрь ойларида)**


2024 йил январь-декабрь ойларида кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан 286 675,2 млрд сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди ёки саноат ишлаб чиқариши умумий ҳажмининг 32,4 % ини ташкил этди. Ўсиш суръати 2023 йил январь-декабрь ойларига нисбатан 118,0 % ни ташкил қилди.

**Кичик тадбиркорлик субъектларининг саноат ишлаб чиқариши ҳажми
ва жами ҳажмидаги улуши (январь-декабрь ойларида)**




2024 йил январь-декабрь ойларида кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга оширилган қурилиш ишлари ҳажми 178 718,9 млрд сўмни ёки қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 76,5 % ини ташкил этди. Ўсиш суръати 2023 йил январь-декабрь ойларига нисбатан 105,8 % ни ташкил қилди.

**Кичик тадбиркорлик субъектларининг қурилиш ишлари ҳажми
ва жами ҳажмидаги улуши (январь-декабрь ойларида)**




2024 йил январь-декабрь ойларида кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми 255 883,8 млрд сўмни ёки умумий ҳажмидаги улуши 51,8 % ни ташкил этди. Ўсиш суръати 2023 йил январь-декабрь ойларига нисбатан 133,6 % ни ташкил қилди.

**Кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан асосий капиталга киритилган
инвестиция ҳажми ва жами ҳажмидаги улуши (январь-декабрь ойларида)**



2024 йил январь-декабрь ойларида кичик тадбиркорликнинг қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигидаги ҳажми 444 716,7 млрд сўмни ёки умумий ҳажмидаги улуши 95,2 % ни ташкил этди. Ўсиш суръати 2023 йил январь-декабрь ойларига нисбатан 103,7 % ни ташкил қилди.

Кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан етиштирилган қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулоти ҳажми ва жами ҳажмидаги улуши (январь-декабрь ойларида)




2024 йил январь-декабрь ойларида кичик тадбиркорликнинг чакана савдо айланмаси ҳажми 338 802,6 млрд сўмни ёки умумий ҳажмининг 84,0 % ини ташкил этди. Ўсиш суръати 2023 йил январь-декабрь ойларига нисбатан 111,4 % ни ташкил қилди.

Кичик тадбиркорлик субъектлари чакана савдо айланмасининг ҳажми ва жами савдо айланмасидаги улуши (январь-декабрь ойларида)




2024 йил январь-декабрь ойларида кичик тадбиркорликнинг хизматлар соҳасидаги ҳажми 466 461,8 млрд сўмни ёки умумий ҳажмининг 57,0 % ини ташкил этди. Ўсиш суръати 2023 йил январь-декабрь ойларига нисбатан 113,2 % ни ташкил қилди.

Кичик тадбиркорлик субъектлар томонидан кўрсатилган хизматлар ҳажми ва жами ҳажмидаги улуши (январь-декабрь ойларида)



2024 йил январь-декабрь саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида кичик тадбиркорликнинг улуши 32,4 % ни ташкил этди. Худудлар кесимида кичик тадбиркорликнинг жами саноат маҳсулотларидаги энг юқори улуши Сурхондарё вилояти (64,8 %), Фарғона вилояти (54,5 %), Самарқанд вилояти (51,3 %), Наманган вилояти (50,0 %) ва Бухоро вилояти (41,2 %) ҳиссасига тўғри келди.

Кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари (хизматлари) ҳажми ва жами ҳажмидаги улуши
(январь-декабрь ойларида)




Худудлар кесимида кичик тадбиркорлик субъектларининг энг кўп саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми Тошкент шаҳри (67 214,3 млрд сўм), Тошкент (41 463,2 млрд сўм), Андижон (27 085,4 млрд сўм), Фарғона (26 178,9 млрд сўм) ва Самарқанд (23 694,7 млрд сўм) вилоятлари ҳиссасига тўғри келди.

Худудлар бўйича кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари (хизматлари) ҳажми ва жами ҳажмидаги улуши
(2024 йилнинг январь-декабрь ойларида)



2024 йил январь-декабрь ойларида кичик тадбиркорлик субъектларининг амалга оширилган қурилиш ишлари умумий ҳажмидаги улуши 76,5 % ни ташкил этди. Худудлар кесимида кичик тадбиркорликнинг қурилиш ишлари умумий ҳажмидаги энг юқори улуши Андижон (92,8 %), Наманган (92,2 %) ва Хоразм (90,8 %) вилоятларига тўғри келди.

**Кичик тадбиркорлик субъектларининг қурилиш ишлари ҳажми
ва жами ҳажмидаги улуши (январь-декабрь ойларида)**



Худудлар кесимида кичик тадбиркорлик субъектларининг энг кўп бажарилган қурилиш ишлари ҳажми Тошкент шаҳри (39 038,7 млрд сўм), Тошкент (20 063,5 млрд сўм), Бухоро (13 978,1 млрд сўм), Фарғона (13 098,2 млрд сўм), Самарқанд (11 759,2 млрд сўм), Наманган (11 754,2 млрд сўм) ҳамда Андижон (11 279,4 млрд сўм) вилоятларида қайд этилди.

**Худудлар бўйича кичик тадбиркорлик субъектларида бажарилган
қурилиш ишлари ҳажми ва жами ҳажмидаги улуши
(2024 йилнинг январь-декабрь ойларида)**



2024 йилнинг январь-декабрида кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан асосий капиталга киритилган жами инвестициялар ҳажми 255 883,8 млрд сўмни ёки 51,8 % ни ташкил этди. Ўсиш сураъти 2023 йилнинг мос даврига нисбатан 133,6 ни ташкил қилди.

**Кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан асосий капиталга киритилган
инвестиция ҳажми ва жами ҳажмидаги улуши
(январь-декабрь ойларида)**



Ҳудудлар кесимида кичик тадбиркорлик субъектларининг энг юқори асосий капиталга киритилган инвестициялари ҳажми Наманган (43 767,5 млрд сўм), Тошкент шаҳри (35 316,2 млрд сўм), Тошкент (31 389,5 млрд сўм), Бухоро (27 088,5 млрд сўм), Андижон (20 011,1 млрд сўм), Самарқанд (15 792,6 млрд сўм) ҳамда Фарғона (15 535,7 млрд сўм) вилоятларида қайд этилди.

**Кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан асосий капиталга киритилган
инвестиция ҳажми ва жами ҳажмидаги улуши
(2024 йилнинг январь-декабрь ойларида)**



2024 йилнинг январь-декабрида кичик тадбиркорлик субъектларининг ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмидаги улуши 95,2 % ни ташкил этди. Худудлар кесимида кичик тадбиркорликнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмидаги энг юқори улуши Жиззах (98,2 %), Бухоро (97,8 %), Қашқадарё (97,8 %) ва Андижон (96,9 %) вилоятларига тўғри келди.

Кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулотлари (хизматлари) ҳажми ва жами ҳажмидаги улуши (январь-декабрь ойларида)




Худудлар кесимида кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан энг кўп ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми Самарқанд (54 100,3 млрд сўм), Андижон (45 071,8 млрд сўм), Қашқадарё (43 298,0 млрд сўм) ҳамда Фарғона (42 226,5 млрд сўм) вилоятларида қайд этилди.

Кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан етиштирилган қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулотлари (хизматлари) ҳажми ва жами ҳажмидаги улуши (2024 йилнинг январь-декабрь ойларида)



2024 йилнинг январь-декабрида кичик тадбиркорлик субъектларининг чакана савдо товар айланмаси ҳажми 338 802,6 млрд сўмни ёки умумий чакана товар айланмасининг 84,0 % ини ташкил қилди. Ўсиш суръати 2023 йил январь-декабрь ойларига нисбатан 111,4 % ни ташкил қилди.

**Кичик тадбиркорлик субъектлари чакана савдо товар айланмаси
ҳажми ва жами ҳажмидаги улуши
(январь-декабрь ойларида)**



Худудлар кесимида кичик тадбиркорлик субъектларининг энг кўп чакана савдо товар айланмасидаги ҳажми Тошкент шаҳри (64 517,9 млрд сўм), Тошкент (33 020,7 млрд сўм), Самарқанд (31 729,7 млрд сўм), Фарғона (31 585,0 млрд сўм), Андижон (25 419,6 млрд сўм), Қашқадарё (24 925,0 млрд сўм) ва Сурхондарё (24 079,3 млрд сўм) вилоятлари ҳиссасига тўғри келди.


**Худудлар бўйича кичик тадбиркорлик субъектлари чакана савдо товар
айланмаси ҳажми ва жами айланмаси ҳажмидаги улуши
(2024 йил январь-декабрь ойларида)**



*) ИФУТ-2 47-бўлим (умумий овқатланиш корхоналари савдо айланмаси, шунингдек, автотранспорт воситалари ва уларнинг эҳтиёт қисмлари чакана савдосидан ташқари)

2024 йил январь-декабрь ойларида кичик тадбиркорлик субъектларининг кўрсатилган хизматлар умумий ҳажмидаги улуши 57,0 % ни ташкил қилди. Худудлар кесимида кичик тадбиркорлик субъектларининг хизматлар ҳажмидаги энг кўп улуши Қашқадарё (76,2 %), Фарғона (76,1 %), Сурхондарё (75,8 %), ва Наманган (75,6 %) вилоятларига тўғри келди.

**Кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан
кўрсатилган хизматлар ҳажми ва жами ҳажмидаги улуши
(январь-декабрь ойларида)**




Худудлар кесимида кичик тадбиркорлик субъектларининг энг кўп хизматлар ҳажми Тошкент шаҳри (125 152,7 млрд сўм), Фарғона (41 981,9 млрд сўм), Тошкент (41 479,0 млрд сўм), Самарқанд (38 853,7 млрд сўм), Қашқадарё (32 958,6 млрд сўм), Наманган (32 595,9 млрд сўм), Андижон (31 591,9 млрд сўм), Бухоро (23 993,9 млрд сўм), Сурхондарё (21 604,3 млрд сўм) вилоятлари ҳиссасига тўғри келди.

**Худудлар бўйича кичик тадбиркорлик субъектларида хизмат кўрсатиш ҳажми
ва жами ҳажмидаги улуши
(2024 йилнинг январь-декабрь ойларида)**



Юқоридаги диаграмма маълумотларига кўра, хизматлар соҳасида кичик тадбиркорлик субъектларининг энг юқори улуши яшаш ва овқатланиш хизматларида – 32,6 % (152 120,0 млрд сўм), савдо хизматларида – 26,5 % (123 382,0 млрд сўм), транспорт хизматларида 15,9 % (74 221,9 млрд сўм) ва бошқа хизматларда – 4,7 % (22 122,1 млрд сўм)ни ташкил этди.

**Хизматлар соҳасида кичик тадбиркорлик субъектларининг
энг юқори улушга эга бўлган турлари**
(2024 йил январь-декабрь ойларида)




Якка тартибдаги тадбиркорлик – жисмоний шахс (якка тартибдаги тадбиркор) томонидан тадбиркорлик фаолиятини юридик шахс ташкил этмаган ҳолда амалга оширишдир.

Кичик тадбиркорлик субъектларининг экспорти

2024 йилнинг январь-декабрида кичик бизнес субъектлари томонидан амалга оширилган маҳсулотлар (ишлар ва хизматлар) экспорти ҳажми 9,0 млрд АҚШ долларини ёки умумий экспорт ҳажмининг 33,3 % ини ташкил этди.

Кичик тадбиркорлик субъектларининг маҳсулотлар (ишлар ва хизматлар) экспорти ҳажми ва жами ҳажмидаги улуши (январь-декабрь ойларида)



2024 йилнинг январь-декабрида ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга оширилган маҳсулот (ишлар ва хизматлар) экспортининг жамига нисбатан энг кўп улуши Сурхондарё вилоятида – 86,5 %, Хоразм вилоятида – 66,0 %, Сирдарё вилоятида – 62,4 %, Жиззах вилоятида – 62,4 %, Фарғона вилоятида – 61,1 % ва Бухоро вилоятида – 56,4 % ни ташкил қилди.


Кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга оширилган маҳсулот (ишлар ва хизматлар) экспорти ҳажми ва жами экспорт ҳажмидаги улуши (2024 йилнинг январь-декабрида)



Кичик тадбиркорлик субъектларининг импорти


2024 йилнинг январь-декабрь ойларида кичик бизнес субъектлари томонидан амалга оширилган маҳсулот (ишлар ва хизматлар) импортининг ҳажми 18 963,9 млн АҚШ доллари ёки жами импортнинг 48,6 % ини ташкил этди.

Кичик тадбиркорлик субъектларининг маҳсулотлар (ишлар ва хизматлар) импорти ҳажми (январь-декабрь ойларида, млрд АҚШ долл.)




2024 йилнинг январь-декабрида ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга оширилган маҳсулотлар (ишлар ва хизматлар) импортининг жами импортга нисбатан энг юқори улуши Сурхондарё вилоятида – 91,1 %, Сирдарё вилоятида – 84,2 %, Фарғона вилоятида – 82,3 %, Қорақалпоғистон Республикасида – 69,7 %, Қашқадарё – 69,0 %, Наманган вилоятида – 67,6 % ҳамда Бухоро вилоятида – 60,3 % ни ташкил этди.

Кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга оширилган маҳсулотлар (ишлар ва хизматлар) импорти ҳажми ва жами импорт ҳажмидаги улуши (2024 йилнинг январь-декабрь ойларида)



**Кичик тадбиркорлик субъектларининг транспорт фаолияти асосий
кўрсаткичларининг ўзгариш динамикаси**
(январь-декабрь ойларида)

**Кичик тадбиркорлик
субъектларининг юк ташиш умумий
ҳажмидаги улуши, % да**



2024 йилнинг январь-декабрида, автомобиль транспортида юк айланмасининг умумий ҳажмида кичик тадбиркорлик субъектларининг улуши 75,2 % ни ташкил этган бўлиб, 2023 йилнинг тегишли даврига нисбатан ўсиш суръати 105,5 % ни ташкил қилди.

**Кичик тадбиркорлик субъектларининг
йўловчи умумий ташиш
ҳажмидаги улуши, % да**



2024 йилнинг январь-декабрида, автомобиль транспорти йўловчи айланмасининг умумий ҳажмида кичик тадбиркорлик субъектларининг улуши 95,0 % ни ташкил этиб, 2023 йилнинг тегишли даврига нисбатан ўсиш суръати 103,7 % ни ташкил қилди.

2024 йилнинг январь-декабрида, автомобиль транспортида юк ташишнинг умумий ҳажмида кичик тадбиркорлик субъектларининг улуши 50,4 % ни ташкил этиб, 2023 йилнинг тегишли даврига нисбатан ўсиш суръати 105,0 % ни ташкил қилди.

**Кичик тадбиркорлик субъектларининг
умумий юк айланмасидаги улуши, % да**



2024 йилнинг январь-декабрида, автомобиль транспортида йўловчи ташиш хизматларининг умумий ҳажмида кичик тадбиркорлик субъектларининг улуши 90,6 % ни ташкил этиб, 2023 йилнинг тегишли даврига нисбатан ўсиш суръати 103,6 % ни ташкил қилди.

**Кичик тадбиркорлик субъектларининг
умумий йўловчи айланмаси ҳажмидаги
улуши, % да**




3- БЎЛИМ. КИЧИК КОРХОНА ВА МИКРОФИРМАЛАРНИНГ ТАНЛАНМА КУЗАТУВЛАРИ НАТИЖАЛАРИ

Кичик корхона ва микрофирмаларнинг умумий иқтисодий ҳолатини баҳоланиши динамикаси (январь-декабрь ойлари, жорий даврга нисбатан, бирликда)

Кичик корхона ва микрофирмалар фаолияти натижалари бўйича ўтказилган танланма кузатув маълумотларига кўра, кичик корхона ва микрофирмаларнинг ишбилармонлик муҳити ҳолати таҳлил қилинганда, корхоналар томонидан ўзларининг умумий иқтисодий вазиятини жорий давр учун қулай деб баҳолаган корхоналарнинг сони 2020 йилнинг январь-декабрида 17 622 тани ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2024 йилнинг январь-декабрига келиб 28 099 тага етган ёки 2020 йилнинг январь-декабрига нисбатан 10 477 тага ошган.

Шунингдек, иқтисодий вазиятини қониқарли деб баҳолаган кичик корхоналарнинг сони 2020 йилнинг январь-декабрида 46 421 та бўлган бўлса, бу кўрсаткич 2024 йилнинг январь-декабрида 43 605 тани ташкил қилди. Ўз навбатида, иқтисодий вазиятини қониқарсиз деб ҳисоблаган корхоналарнинг улуши 2020 йилнинг январь-декабрида 8 587 тани ташкил этган бўлса, 2024 йилнинг январь-декабрига келиб, 5 195 тани ташкил қилди.




Кичик корхона ва микрофирмаларнинг умумий иқтисодий ҳолатининг баҳоланиш динамикаси

(январь-декабрь ойларида, корхонанинг жорий ҳолати бўйича, % да)


Кичик корхона ва микрофирмалар фаолияти натижалари тўғрисида ўтказилган танланма кузатув маълумотлари бўйича кичик корхона ва микрофирмаларнинг ишбилармонлик муҳити ҳолати таҳлил қилинганда, корхоналар томонидан ўзларининг умумий иқтисодий вазиятини жорий давр учун қулай деб баҳолаган корхоналар улуши 2020 йилнинг январь-декабрида 24,3 % ни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2024 йилнинг январь-декабрида 36,5 % га етган ёки 2020 йилнинг январь-декабрига нисбатан 12,2 % бирлик ошган. Шунингдек, иқтисодий вазиятини

қониқарли деб баҳолаган корхоналарнинг улуши 2020 йилнинг январь-декабрида 63,9 % бўлган бўлса, бу кўрсаткич 2024 йилнинг январь-декабрида 56,7 % ни ташкил қилган. Ўз навбатида, иқтисодий вазиятини қониқарсиз деб ҳисоблаган корхоналарнинг улуши 2020 йилнинг январь-декабрида 11,8 % ни ташкил этган бўлса, 2024 йилнинг январь-декабрига келиб, бу кўрсаткич 6,8 % га етган.



**Кичик корхона ва микрофирмалар
умумий иқтисодий ҳолатининг баҳоланиши**
(январь-декабрида, яқин уч ойда ўзгаришлар истиқболи, бирликда)


Кичик корхона ва микрофирмалар фаолияти натижалари бўйича ўтказилган танланма кузатув маълумотлари, кичик корхона ва микрофирмаларнинг ишбилармонлик муҳити ҳолати таҳлил қилинганда, корхоналар томонидан ўзларининг умумий иқтисодий вазиятини яқин уч ойда ўзгаришлар истиқболи яхшиланади деб баҳолаган корхоналарнинг сони 2020 йилнинг январь-декабрида 43 520 тани ташкил этган. Бу кўрсаткич 2024 йилнинг январь-декабрига келиб 37 805 тани ташкил қилди.



Шунингдек, иқтисодий вазиятини ўзгармайди деб баҳолаган корхоналарнинг сони 2020 йилнинг январь-декабрида 25 936 та бўлган бўлса, бу кўрсаткич 2024 йилнинг январь-декабрида 36 771 та ёки 10 835 тага ошган. Ўз навбатида, иқтисодий вазиятини ёмонлашади деб ҳисоблаган корхоналарнинг сони 2020 йилнинг январь-декабрида 3 174 тани ташкил этган бўлса, 2024 йилнинг январь-декабрига келиб, бу кўрсаткич 2 323 тани ташкил қилди.

**Кичик корхона ва микрофирмаларнинг
умумий иқтисодий ҳолати баҳоланиш динамикаси**
(январь-декабрида, яқин уч ойда ўзгаришлар истиқболи, % да)

Кичик корхона ва микрофирмалар фаолияти натижалари тўғрисида ўтказилган танланма кузатув маълумотлари якуни бўйича кичик корхона ва микрофирмаларнинг ишбилармонлик муҳити ҳолати таҳлил қилинганда, корхоналар томонидан ўзларининг умумий иқтисодий вазиятини яқин уч ойда ўзгаришлар истиқболи яхшиланади деб баҳолаган корхоналар улуши 2020 йилнинг январь-декабрида 59,9 % ни ташкил этган. Бу кўрсаткич 2024 йилнинг январь-декабрида келиб 49,2 % ни ташкил қилди.




Шунингдек, иқтисодий вазиятини ўзгармайди деб баҳолаган корхоналарнинг улуши 2020 йилнинг январь-декабрида 35,7 % бўлган бўлса, бу кўрсаткич 2024 йилнинг январь-декабрида 47,8 % ёки 12,1 % бирликка ошган. Ўз навбатида, иқтисодий вазиятини ёмонлашади деб ҳисоблаган корхоналарнинг улуши 2020 йилнинг январь-декабрида 4,4 % ни ташкил этган бўлса, 2024 йилнинг январь-декабрига келиб, бу кўрсаткич 3,0 % ни ташкил қилди.

2024 йил IV чорак якунларига кўра, кичик корхона ва микрофирмалар ўртасида танланма кузатувлар ўтказилди.

Ушбу сўровномада 18 810 та кичик корхона ва микрофирмалар иштирок этди. Уларнинг 6 948 (36,9 %) таси иқтисодий вазиятини қулай деб баҳолади. 10 659 (56,7 %) та субъектлар иқтисодий вазиятини қониқарли деб баҳолади. Қолган 1 203 (6,4 %) та субъектлар иқтисодий вазиятини қониқарсиз деб баҳолаган.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича кузатувда иштирок этган кичик корхона ва микрофирмаларнинг тақсимланиши (улуши) савдода – 40,3 % (7 574 та), хизматлар соҳасида – 31,5 % (5 926 та), саноатда – 14,6 % (2 755 та), қурилишда – 7,5 % (1 413 та) ҳамда қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида – 6,1 % (1 142 та) ни ташкил этди.

**Танланма кузатувда иштирок этган кичик корхона
ва микрофирмаларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши**
(2024 йил IV чорак бўйича)



**Кузатувда иштирок этган кичик корхона
ва микрофирмаларнинг ҳудудлар бўйича тақсимланиши**
(2024 йил IV чорак бўйича)



Кичик корхона ва микрофирмаларнинг 2024 йилнинг IV чорагида ўтказилган кузатув натижаларига кўра, жорий даврда иқтисодий вазиятини қулай деб баҳолаган корхоналарнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича энг кўп улуши савдода – 38,4 %, ни, қурилишда – 37,2 % ни ва хизматлар соҳасида – 36,1 % ни ташкил этди.


Шунингдек, иқтисодий вазиятини қониқарли деб баҳолаган корхоналарнинг энг кўп улуши қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида – 60,2 % ни, хизматлар соҳасида – 57,3 % ни ва саноатда – 57,2 % ни ташкил этди.

Иқтисодий вазиятини қониқарсиз деб баҳолаган корхоналарнинг энг кўп улуши қурилишда – 8,1 % ни, саноатда – 6,9 % ни ҳамда хизматлар соҳасида – 6,6 % ни ташкил этди.

Кузатувда иштирок этган кичик корхона ва микрофирмаларнинг жорий даврда иқтисодий вазиятини баҳолаш
(2024 йилнинг IV чорагида, % да)



Кузатувда иштирок этган кичик корхона ва микрофирмаларнинг яқин уч ойдаги ўзгаришлар истикболи бўйича иқтисодий вазиятини баҳолаш
(2024 йилнинг IV чорагида, % да)



2024 йилнинг IV чорагида кузатувда иштирок этган кичик корхона ва микрофирмаларнинг яқин уч ойдаги ўзгаришлар истиқболи бўйича иқтисодий вазиятини яхшиланиш деб баҳолаган корхоналарнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича энг кўп улуши савдода – 50,4 % ни, қурилишда – 50,1 % ни ва саноатда – 49,1 % ни ташкил этди.

Шунингдек, яқин уч ойдаги ўзгаришлар истиқболи бўйича иқтисодий вазиятини ўзгаришсиз деб баҳолаган корхоналарнинг энг кўп улуши хизматлар соҳасида – 49,6 % ни, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида – 49,0 % ни ва саноатда – 47,5 % ни ташкил этди.


Яқин уч ойдаги ўзгаришлар истиқболи бўйича иқтисодий вазиятини ёмонлашади деб баҳолаган корхоналарнинг энг кўп улуши саноатда – 3,4 % ни, хизматлар соҳасида – 3,0 % ни ва қурилишда – 2,8 % ни ташкил этди.

Бизнесга ишонч муҳитини баҳолаш
(2024 йилнинг IV чорагида, % да)


	Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан жорий даврдаги ўзгаришлар		
	кўпайиш (яхшиланиш*)	ўзгаришсиз	камайиш (ёмонлашиш*)
Корхонанинг умумий айланмаси	42,5	47,6	9,9
Банд бўлганлар сони	25,6	67,8	6,6
Сотилган маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) учун нарх	36,6	58,3	5,1
Молиявий маблағлар: ўз, кредит ва қарз маблағлари	28,6	65,9	5,5
Рақобат муҳити	39,5	56,5	4,0
	Яқин уч ойда ўзгаришлар истиқболи		
	кўпайиш (яхшиланиш*)	ўзгаришсиз	камайиш (ёмонлашиш*)
Корхонанинг умумий айланмаси	45,4	51,0	3,6
Банд бўлганлар сони	27,2	69,9	2,9
Сотилган маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) учун нарх	36,3	60,7	3,0
Молиявий маблағлар: ўз, кредит ва қарз маблағлари	31,1	65,5	3,4
Рақобат муҳити	40,2	57,3	2,5

* Фақат рақобат муҳитига тегишли

Бизнесга ишонч муҳитини баҳолаш, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан жорий
даврдаги ўзгаришлар
(2024 йилнинг IV чорагида, % да)



Бизнесга ишонч муҳитини баҳолаш, яқин 3 ойда ўзгаришлар истикболи
(2024 йилнинг IV чорагида, % да)



*Фақат рақобат муҳитига тегишли

Статистик кўрсаткичларга изоҳлар

Тадбиркорлик фаолияти (тадбиркорлик) – тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган, ўзи таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускорлик фаолиятидир.

Тадбиркорлик фаолияти субъектлари (тадбиркорлик субъектлари) белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахслардир.

Тадбиркорлик иши (бизнес) – мулкий ҳуқуқларни ва тадбиркорнинг ўзига хос воситаларини, шунингдек унга тегишли бўлган, якка тартибдаги тадбиркор ўз тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириши учун фойдаланадиган бошқа мутлақ ҳуқуқларни ўз ичига оладиган мол-мулк мажмуидир.

Юридик шахс – ўз мулкида, хўжалик юритишида ёки оператив бошқарувида алоҳида мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, ўз номидан мулкий ёки шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўла оладиган ва уларни амалга ошира оладиган, мажбуриятларни бажара оладиган, судда даъвогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилот юридик шахс ҳисобланади.

Юридик шахслар мустақил баланс ёки сметага эга бўлишлари керак.

Якка тартибдаги тадбиркорлик – жисмоний шахс (якка тартибдаги тадбиркор) томонидан тадбиркорлик фаолиятини юридик шахс ташкил этмаган ҳолда амалга оширишдир.

Якка тартибдаги тадбиркорлик якка тартибдаги тадбиркор томонидан мустақил мулк ҳуқуқи асосида ўзига тегишли бўлган мол-мулк негизида, шунингдек, мол-мулкка эгалик қилиш ва (ёки) ундан фойдаланишга йўл қўядиган ўзга ашёвий ҳуқуқ асосида амалга оширилади.

Тадбиркорлик субъектлари ўз фаолиятларини мувофиқлаштириш, шунингдек, ўз ҳуқуқлари ва манфаатларини ифода этиш ҳамда ҳимоя қилиш мақсадида, нотижорат ташкилотлар бўлган уюшмаларга (иттифокларга) ва бошқа бирлашмаларга бирлашиши мумкин.

Корхона – ҳуқуқий шахс ҳуқуқига эга бўлган, мулкчилик ҳуқуқи ёки хўжаликни тўла юритиш ҳуқуқи бўйича ўзига қарашли мол-мулкдан фойдаланиш асосида маҳсулот ишлаб чиқарадиган ва сотадиган ёки маҳсулотни айирбошлайдиган, ишларни бажарадиган, хизмат кўрсатадиган, беллашув ҳамда мулкчиликнинг барча шакллари тенг ҳуқуқлилиги шароитида амалдаги қонунларга мувофиқ ўз фаолиятини рўёбга чиқарадиган мустақил хўжалик юритувчи субъект ҳисобланади.

Корхонанинг фаолиятини таҳлил қилиш – унинг асосида корхона фаолиятини ҳар томонлама ўрганиш. Натижада, маълумот тўплашнинг маълум усулларида фойдаланиш орқали корхона фаолиятини баҳолаш ва заиф томонларини аниқлаш учун керакли маълумотларни олиш.